

ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ



Жанабай Калибаевич МАРЗИЯЕВ

Ассистент-ўқитувчи
Журналистика кафедраси
Қорақалпоқ давлат университети
Нукус, Қорақалпоғистон
janga-tv@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада экология ва экологик журналистика тушунчаларининг методологик асослари ўрганилган. Шунинг билан бирга экологик журналистика вазифалари ва йўналишларига эътибор қаратилган. Жумладан, экологик журналистика тушунчаси, унинг предмети, йўналишлари ҳақида соҳа тадқиқотчилари томонидан билдирилган тавсиялар солиштирилади. Бундан ташқари, экологик журналистиканинг талқини, қандай маълумот ва ахборотлар экологик мавзу бўлиши мумкинлиги ҳақидаги саволларга жавоб берилган.

Калит сўзлар: экология; экологик журналистика; атроф-муҳит; ОАВ; тушунча; предмет; тавсия; маълумот; масала; мавзу; тасниф; табиат; муаммо; жамият.

ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ЖУРНАЛИСТИКА: ТЕОРЕТИКО- МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

Жанабай Калыбаевич МАРЗИЯЕВ

Ассистент-преподаватель
Кафедра журналистики
Каракалпакский государственный университет
Нукус, Каракалпакстан
janga-tv@mail.ru

Аннотация

В статье изучены понятия экология и экологическая журналистика в методологическом аспекте. К тому же внимание было уделено направлениям и предмету экологической журналистики: понятию экологической журналистики, предмету отображения и их направлению, которые сравниваются с разными точками зрения исследователей. Анализируется и делается вывод по освещению экологических проблем в местной печати.

Ключевые слова: экология; экологическая журналистика; окружающий среда; СМИ; понятие; предмет; предложение; знания; проблема; классификация; тема; природа; проблема; общество.

ENVIRONMENTAL JOURNALISM: THEORETICAL-METHODOLOGICAL BASIS

Janabay Kalibaevich MARZIYAEV

Assistant Professor of the Department of Journalism

Karakalpak State University
Nukus, Karakalpakstan
ianga-tv@mail.ru

Abstract

This article examines the concept of ecology and environmental journalism methodological aspect. In addition, it was given directions and the subject of environmental journalism. For example: the Concept of environmental journalism, the subject of display and their direction are compared with different points of view of researchers in this area. Full-scale analysis and a brief conclusion on the coverage of environmental problems of the local press.

Keywords: ecology; environmental journalism; environment; media; concept; subject; proposal; knowledge; problem; classification; theme; nature; problem; society.

Сўнгги йиллари экология муаммоси глобал муаммолардан бирига айланди. Агар мавзуга турли жиҳатлардан эътибор қаратсак, мазкур муаммо атрофлича ўрганилиб, тадқиқ этиб келинаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, экологик журналистика тушунчаси, унинг предмети, йўналишлари ҳақида олимлар томонидан берилган турли таърифлар ва тавсияларнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Айниқса, Ш. Фридман (11), Л. Коханова (6), Л. Сизова (9), О. Берлова (В. Борейко, В. Б. Колесникова, А. Л. Кочиневалар ҳаммуаллифлигидаги) (3), В. Колесникова (О.А. Берлова, В. П. Захаров, А. Л. Кочиневалар ҳаммуаллифлигидаги) (6), А. Кочинева (О. А. Берлова ва В. Б. Колесникова ҳаммуаллифлигида) (5), Т. Ж. Лейон (13), О. Захарова (4) ва М. Шкондин (В. В. Баранов, О. А. Воронова ҳаммуаллифлигида) ва бошқаларнинг экологик журналистика соҳаси ҳақидаги фикрларини таъкидлаш жоиз.

М. В. Орлованинг таъкидлашича: “Экологик журналистика тушунчасининг оддий тарзда қўйидагича шаклланиши мумкин: экологик журналистика экологик муаммолар қаторига кирадиган ахборотларни оммавий ахборот воситалари тармоқлари орқали қайта ишлайди ва таркатади” (8, 220).

Аммо, экологик журналистика тушунчасини кенг қамровда очиб бериш учун кўплаб олимлар томонидан илгари сурилган қарашларга эътибор қаратишимизга тўғри келади. Масалан, А. Кочиневанинг бир неча муаллиф билан биргаликдаги фикри шундай: “...экологик журналистика деганда...узлуксиз, кенг турда глобал ва локал аҳамиятга эга муаммоларни ёритиш тушунилади. Лекин бундай журналистиканинг предмети фақатгина муаммолар бўлиб қолмасдан, атроф-муҳитни кўриқлаш ва ундан фойдаланиш йўналиши бўйича ишланаётган тўғри ишлар ҳам бўлиши мумкин” (7).

Бу каби қарашлар Ш. М. Фридман ва К. А. Фридман томонидан чоп этилган қўлланмада ҳам таъкидлаб ўтилган эди. Лекин олимлар бу қарашларнинг

анча тор маъно касб этишини таъкидлаб, “Экологик журналистиканинг предмети, яъни экологик журналистиканинг тематик йўналишлари бўлган соғлиқни сақлашдан тортиб балиқчиликкача бўлган йўналишларни таъкидлаб ўтиш тушунчанинг тўлақонли маънода очилмаслигига олиб келади ва уни таърифлаб бериш анча қийин кечади...” (8, 56), – дейдилар.

Ушбу қарашларда экологик журналистиканинг объекти сифатида бизни ўраб олган бутун атроф-муҳит тушунилса, унинг предмети сифатида инсонларнинг жонли ва жонсиз табиат билан муносабати тушунилади.

Бу борада М. Б. Орлованинг қарашлари анча салмоқли эканлиги кўзга ташланади. У шундай дейди: “Экологик журналистиканинг объекти бизни ўраб олган ҳар хил кўриниш ва кўламдаги атроф-муҳит, предмети – жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсир этиши. Мавзунинг ОАВда мунтазам ва тўлақонли ёритиб борилиши жамиятнинг онгли хулқ-атворини шакллантириши мумкин, бунда унинг яшаш муҳитига зарар етмаган ҳолда талаблари қондирилади” (8, 221).

Бундан ташқари, экологик журналистикани масала сифатида талқин қиладиган бўлсак, қандай маълумотлар ва ахборотлар экологик мавзу бўлиши мумкин деган саволлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади. Сабаби, инсоннинг жамиятдаги барча хатти-ҳаракатлари ҳам экологик мавзуга айланиши мумкин эмас. Бу борада экологик журналистика мавзусини мунтазам равишда ўрганиб келаётган олимлар А. Кочинева, О. Берлова ва В. Колесникова экологик мавзунинг керакли жиҳатлари сифатида қўйидагиларни таъкидлаб ўтадилар:

- атроф-муҳитнинг аҳамиятга эга бўлган таркибий қисмлари ҳақидаги ахборотлар; улардан: ҳаво, атмосфера, сув, тупроқ, ер, ландшафт ва табиат объектлари, биологик кўп турлилик ҳамда унинг компонентлари, организмнинг генетик ўзгариши ва улар орасидаги бир-бирига таъсир этиш;
- атроф-муҳитнинг таркибий қисмига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги ахборотлар, энергия, шовқин ва нурланиш, маъмурий чора ва фаолият, атроф-муҳит ҳақидаги келишувлар, сиёсат, қонунчилик, атроф-муҳит таркибий қисмларига таъсир кўрсатишга қодир режа ва дастурлар;
- инсонларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги ҳақидаги ахборотлар (5).

Бундан ташқари, экологик журналистика ушбу йўналишдаги янгиликлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Яъни: экологик журналистиканинг ғоявий-мавзувий йўналиши сифатида экологик илмнинг мақсади, унинг натижасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг назарий асоси яратилади, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий дастурларга илмий далиллар келтириб ўтади.

Экологик журналистиканинг барча аспекти бўйича олимлар томонидан таъкидлаб ўтилган қарашларга эътибор қаратишга мажбурмиз. Сабаби, хоҳлаган минтақадаги экологик мавзуларни ёритишда журналистлар, биринчи навбатда, журналистика асослари, мақсадлари, вазифалари бўйича иш олиб борадилар.

“Экологик журналистика” ўқув қўлланмаси муаллифлари экология ва экологик журналистика масалаларини яна ҳам кенг талқин қилишга ҳаракат қиладилар: “Бугунги кунда кўпроқ қуйидаги тенденция кўзга ташланади: атроф-муҳит билан боғлиқлиги бор барча ҳолатлар, яъни инсон ва табиат муносабати экология деб атаб келинмоқда. Экологик илмнинг ўзига хос йўналишлари ҳам пайдо бўлди, унда “экология” сўзи кўчма маънода қўлланилмоқда: маънавийт экологияси, видеоэкология, архитектура экологияси ва бошқалар” (7, 65).

Экологик журналистиканинг куртак очиши ва ушбу йўналиш бўйича журналистларнинг мунтазам равишдаги чиқишлари бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш оммавий ҳаракатларининг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ.

ОАВ жамиятда экологик муаммолар ҳақида қарашларни шакллантириши билан бирга инсониятнинг келажакка қараб барқарор тараққиёт этиши учун табиат билан уйғунликда яшаши ва шу йўналишда келажак авлодни ҳам тарбиялаб бориши керак эканлигини тушунтириб боради. Яъни, ОАВ жамиятда экологик маданият, экологик онг тушунчаларини ҳам шакллантириб борувчи асосий куч ҳисобланади. Сабаби, бугунги замановий технологиялар тараққий этаётган бир пайтда ахборот етказиб берувчи асосий воситалар ва қурилмалар жамиятда экология ҳақида умумий тушунчаларнинг шаклланишига кўмаклашади. Бу эса журналистиканинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Олима Л. Коханова бугунги журналистларга нафақат экология ҳақида ахборот бериши, балки барқарор ривожланиш концепциясини тарқаташи ва маърифатпарварлик ишларини олиб боришни тавсия қилади. Эко нашрларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “аҳолининг узлуксиз билим олишини ташкиллаштириш ёки экологик билим бериш” (6, 71).

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда жаҳон экологик журналистикасида қуйидаги мавзули йўналишлар кўзга ташланмоқда:

– сиёсий-ҳуқуқий йўналиш. Экологик муаммонинг ижтимоий-сиёсий ва халқаро аҳамиятини ифодалаб беради. Бу ерда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштирилиши, экологик соҳада халқаро ҳамкорлик муаммолари;

– билим бериш йўналиши. Ўз олдига экологик билим беришни мақсад қилиб қўйиш;

– биоиктисодий йўналиш. Экологик муаммо экология ва иқтисодиётнинг фойдали бирга ишлаш доирасида талқин қилади ва ёритиб боради. Бунга атроф-муҳитдан мувофиқ тарзда фойдаланишдаги ижобий тажрибанинг тарғиботи (1, 84–90).

Таъкидлаш жоизки, экологик журналистика маълум бир чегараларда қотиб қолган журналистика йўналиши эмас, у атроф-муҳитнинг ҳолатига боғлиқ барча илмлар билан биргаликда иш олиб боради ва ривожланади.

Матбуотда экологик мавзунинг ёритилиши масалаларига Л. А. Коханова шундай фикр билдиради: “Журналист ушбу мавзуга ўзини тўлақонли бағишлагандагина унинг материали муваффақиятли чиқади” (6, 21). Аммо бу ҳол ушбу мавзуга ихтисослашган матбуот учун хос бўлса керак. Умумий мавзуларни ёритиб борадиган нашрлар журналистларнинг доимий равишда битта мавзуда ижод қилишига имкон бермайди. Иқтисодий ва ҳар кунги ахборотлар оқимининг тезлиги журналистнинг бир мавзуда иш олиб боришига йўл бермайди.

Хулоса қилиб айтганда, экологик мавзунини тўлақонли ёритиб бориш фақатгина ушбу мавзуга ихтисослашган нашрларда яхши йўлга қўйилиши мумкин. Лекин бугунги кунда матбуот таркибида экологик нашр йўналиш сифатида шаклланмаган. Шундай бўлса-да, экологик журналистика, экологик матбуот аста-секинлик билан бўлса ҳам шаклланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Cox Robert J. The environmental communication and the public sphere. Sage Publishing, Inc., Washington, 2010. – 385 p.
2. Lyon T. J. This Incomparable Land: A Guide to American Nature Writing. Minneapolis: Milkweed Editions, 2001. – 277 p.
3. Берлова О. А., Борейко В., Колесникова В.Б., Кочинева А. Л. Как экологам работать со средствами массовой информации. – Киев, 2000. – 120 с.
4. Захарова О.А. Экологические коммуникации в социокультурном пространстве. – М., 2008. – 150 с.
5. Колесникова В.Б., Берлова О.А., Захаров В.П., Кочинева А.Л. Игра на информационном поле. Журналистика и ПР для зелёных. М.: Центр координации и информации МСоЭС, 2003. – 340 с.
6. Коханова Л.А. Экологическая журналистика, PR и реклама: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности “Журналистика”. – М.: Юнити –Дана, 2007. – 383 с.
7. Кочинева А. Л., Берлова О.А., Колесникова В.Б. Экологическая журналистика: Учеб. пособие. – М.: Центр координации и информации Социально-экологического союза, 1999 / www.seu.ru/cci/lib/books/ecojour.
8. Орлова М.В. Экологическая журналистика: сущностные характеристики понятия. “Вектор науки тольяттинского государственного университета”. – Тольятти. 2013. С. 220–223
9. Сизова Л.В. Экологические периодические издания//Типология периодической печати/под ред. М. В. Шкондина, Л. Л. Реснянской. – М., 2007. – 142 с.

10. Сизова Л. В., Давыдова Н. Г. Советы начинающим журналистам. Краткое пособие для молодых журналистов-экологов. – М., 2008. – 12 с.
11. Фридман Ш.М., Фридман К. А. Пособие по экологической журналистике. – Бангкок, 1998. – 86 с.
12. Цвик В. Л. Введение в журналистику//В.Л. Цвик. – М.: МНЭПУ, 2000. – 77 с.
13. Шкондин М. В., Баранов В. В., Воронова О. А. Типология периодической печати.– М., 2009. – 236 с.